

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”

“Ипотека-банк”

акциядорлик тижорат ипотека
банки



Кузатув кенгаши аъзоси

Р. Махкамов

Акциядорлар навбатдан ташқари
умумий йиғилишининг 2023 йил
10 ноябрдаги 45-сонли баённомаси

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли
лойиҳалар миллий агентлиги
директорининг биринчи ўринбосари

 В. Пак



2023 йил “12” декабр

Р0775-21 - сон

АКЦИЯЛАР ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТУҒРИСИДАГИ ҚАРОР
“ИПОТЕКА-БАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ

Идентификация рақами берилди:

R	U	1	2	1	P	0	7	7	5	R	9
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган 844 633 300 000 (саккиз юз қирқ тўрт миллиард олти юз ўттиз уч миллион уч юз минг) дона умумий қиймати 844 633 300 000 (саккиз юз қирқ тўрт миллиард олти юз ўттиз уч миллион уч юз минг) сўмлик оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги акциялар

Акциялар ёпиқ обуна усули билан жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши йигирма биринчи чиқарилишдир.

Тасдиқланган: “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2023 йил “10” ноябр даги 45-сонли баённомаси билан

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили – 100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Шахрисабз кўчаси, 30-уй. Телефон: (+99878) 150 11 22, (+99878) 150 98 19.

Электрон почта манзили: info@ipotekabank.uz

Бошқарув раиси



Иномжонов Э.И.

Бош бухгалтер

Норметов Э.З.

Сана: 2023 йил “ ”

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **Оддий.**

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли – **Ҳужжатсиз.**

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **1 (бир) сўм.**

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **844 633 300 000 (саккиз юз қирқ тўрт миллиард олти юз ўттиз уч миллион уч юз минг) дона.**

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **844 633 300 000 (саккиз юз қирқ тўрт миллиард олти юз ўттиз уч миллион уч юз минг) сўм.**

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

Ушбу чиқарилишдаги ҳар бир оддий акция эгаларига қўйидаги ҳуқуқларни беради:

- **Банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш;**
- **Ўзига тегишли депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;**
- **Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;**
- **Банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;**

- **Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;**

- **Банк уставига мувофиқ эмитентнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олиш;**

- **Олган дивидендини эркин тасарруф этиш;**

- **Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек, судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;**

- **Ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;**

- **Ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;**

- **Қимматли қоғозлар сотиб олиш вақтида зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш.**

Акциядорлар қонунчиликда ва Банк уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан банк уставида чеклашлар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ қўйидаги чеклашлар мавжуд:

Давлат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари асосида бошқа давлат ташкилотлари номидан банк муассиси ва акциядори бўлиши мумкин. Устав фондининг (устав капиталининг) эллик фоиздан ортиғи давлатга тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар, агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, банк муассислари ва акциядорлари бўлиши мумкин эмас;

Норезидент бўлган жисмоний шахсларнинг ва халқаро молия институтлари, чет эл банклари ва бошқа кредит ташкилотлари бўлмаган юридик шахсларнинг жами улуши банк устав капиталининг эллик фоизидан ошмаслиги керак;

Имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охирги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошқор қилиш ҳамда молиявий операцияларни ўтказиш чоғида ахборот тақдим этиш назарда тутилмайдиган давлатда ёки ҳудудда рўйхатга олинган юридик шахслар ва шундай давлатда ёки ҳудудда яшайдиган жисмоний шахслар банкнинг муассислари ва акциядорлари бўлиши мумкин эмас (бундан чет эл фонд бозорларида банк акцияларини сотиб олган юридик ва жисмоний шахслар мустасно);

Жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар бир ёки бир неча битим натижасида банкнинг устав капиталидаги:

- беш ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан йигирма фоизни;
- йигирма ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан эллик фоизни;
- эллик ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга мувофиқ банкнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар, ушбу чиқарилишдаги акцияларни ўзига тегишли оддий акциялар сонига мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг, мазкур чиқарилишдаги акцияларнинг қолган қисми ёпиқ обуна йўли билан OTP Bank Nyrt. жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): 2 989 584 338 941 (икки триллион тўққиз юз саксон тўққиз миллиард беш юз саксон тўрт миллион уч юз ўттиз саккиз минг тўққиз юз қирқ бир) сўм.

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Чиқарилган акцияларнинг умумий сони: 2 989 584 338 941 дона.** Шундан:

- эгасининг номи ёзилган оддий акциялар – 2 981 532 338 941 дона;
- эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар - 8 052 000 000 дона.

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Банк томонидан 500 (беш юз) дона эгасининг номи ёзилган фоизли корпоратив облигациялар жойлаштирилган: Бундан банк облигацияларининг I (биринчи) чиқарилуви 2010 йил 19 март куни P0845-сон билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказида рўйхатга олинган:

А) Чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли: Эгасининг номи ёзилган, фоизли, ҳужжатсиз шаклдаги корпоратив облигациялар;

Б) Чиқарилишдаги облигациялар сони: 500 дона;

В) Чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати: 10 000 000 сўм;

Г) Чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича): 5 000 000 000 сўм.

Ушбу чиқарилувга асосан чиқарилган корпоратив облигациялар сўндирилганлиги муносабати билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг 2015 йил 15 майдаги 15-07/079-сон қарорига асосан бекор қилинган.

Банк томонидан 500 (беш юз) дона эгасининг номи ёзилган фоизли корпоратив облигациялар жойлаштирилган: Бундан банк облигацияларининг II (иккинчи) чиқарилуви 2012 йил 6 декабрь куни P0845-2-сон билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказида рўйхатга олинган:

А) Чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли: Эгасининг номи ёзилган, фоизли, ҳужжатсиз шаклдаги корпоратив облигациялар;

Б) Чиқарилишдаги облигациялар сони: 500 дона;

В) Чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати: 10 000 000 сўм;

Г) Чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича): 5 000 000 000 сўм

Ушбу чиқарилувга асосан чиқарилган корпоратив облигациялар сўндирилганлиги муносабати билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг 2018 йил 25 январдаги 15-07/005-сон қарорига асосан бекор қилинган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):

Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна усули билан Банк акциядорларининг имтиёзли равишда олиш ҳуқуқи қўлланилган ҳолда OTP Bank Nyrt.ga жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

Ушбу чиқарилаётган акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) календарь куни давомида жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот ва акциядорларнинг акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқи тўғрисидаги билдиришнома қонунчиликка мувофиқ эълон қилиниб, акциядорларнинг чиқарилаётган акцияларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаган кундан кейинги биринчи кун. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунига бошланади.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – ушбу чиқарилишнинг сўнги акцияси жойлаштирилган кун, бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, ушбу акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш орқали қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Акциялар жойлаштирилиши жараёнида андеррайтерлар жалб қилиниши кўзда тутилмаган.

Акциядорларнинг имтиёзли олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугагунига қадар чиқарилаётган акциялар имтиёзли ҳуқуққа эга бўлмаган шахсларга жойлаштирилмайди.

Акциядорларнинг имтиёзли олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин қолган акциялар OTP Bank Nyrt.ga жойлаштирилади.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳақида маълумот:

Тўлиқ номи: “Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси” давлат корхонаси

Жойлашган манзили ва почта манзили - 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй

Телефон: (71) 267-37-42, Факс: (71) 267-36-94, эл.почта: info@deponent.uz, интернет манзили: www.deponent.uz

лицензия – мавжуд эмас; ташкилий-ҳуқуқий шакли – давлат корхонаси.

Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олувчи инвестиция воситачилари тўғрисидаги маълумотлар:

Тўлиқ номи: “Биринчи Банклараро Депозитарий”.

Жойлашган манзили ва почта манзили: 100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси 15-уй.

Ташкилий-ҳуқуқий шакли - масъулияти чекланган жамият.

Телефон: 233-06-52, 233-29-07, интернет манзили: www.bbd.uz, эл. почта: bbd_1@mail.ru.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга.

Акциядор ушбу чиқарилишдаги акцияларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдorigа мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Банк акцияларини имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхати 2023 йил 10 ноябрь кун ҳолатига шакллантирилган Банк акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Банк акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан 10 (ўн) кун ичида оммавий ахборот воситаларида билдиришномани эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларига акцияларни олишни таклиф этади.

Билдиришнома матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқи амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Банкка (Банкнинг Бош офиси, филиаллари ёки банк хизматлари офислари (марказлари) орқали) юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Банкка (Банкнинг Бош офиси, филиаллари ёки банк хизматлари офислари (марказлари) орқали) тақдим этилиши керак.

Акциядорларнинг акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқи билдиришнома эълон қилинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар Банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар номинал қиймати бўйича 1 (бир) сўмдан жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Акциялар учун тўловлар миллий валютада фақат пул маблағлари билан қонунчиликда белгиланган тартибда OTP Bank Nyrt. томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ, акциялар учун тўланган пул маблағлари қабул қилинади ва ушбу маблағлар Банкнинг тегишли ҳисобварақларида ҳисоби юритилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг олтмиш фоиздан кам қисми жойлаштирилганда, ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб ҳисобланади.

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, Банк томонидан ушбу ҳолат тўғрисида ўрнатилган тартибда расмий маълумот Банк веб-сайтида, корпоратив ахборот ягона порталида ҳамда “Тошкент” Республика фонд биржаси веб-сайтида ўрнатилган тартибда эълон қилинади.

Акциялар учун тўланган маблағлар акциядорнинг аризасида кўрсатилган банклардаги ҳисоб рақамларига ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб, 10 (ўн) кун давомида тўлиқ ўтказиб берилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилиниши Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот (муҳим факт) ва қонунчилик билан белгиланган бошқа маълумотлар, акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг қонунчилик билан ўрнатилган муддатда Корпоратив ахборот ягона портали (www.openinfo.uz) ва Банк расмий веб-сайтида (www.ipotekabank.uz) эълон қилинади.

Банк қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорининг асли ва нусхаси билан Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Шахрисабз кўчаси, 30-уй манзили бўйича жойлашган “Ипотека-банк” АТИБнинг Бош офисида ҳамда банкнинг веб-сайтида танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар: Кўзда тутилмаган.